

K. Ризаева

Корея Республикасида экспорт фаолиятини рағбатлантириш тузилмасининг шаклланиш хусусиятлари

Корея Республикаси хукумати экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда таркибий ўзгаришларни амалга ошираймай, муваффақиятга эриша олмаслигини тушуниб етди. Корея Республикасида экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида рағбатлантириш таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди. Хусусан, Кореяда 1963 йилда экспорт ҳажми 87 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб экспорт ҳажми 526,755 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан -8 фоизга пасайишни кўрсатди. Унда саноат махсулотлари улуши 89,4 фоиз, ёқилғи ва тоғ-кон саноати 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги махсулотлари 2,1 фоиз ва бошқалаш 0,3 фоизни ташкил этди. Жаҳон экспортидаги улуши 3,20 фоизни ташкил этди. 2015 йилда импорт ҳажми 436,499 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳон импортидаги улуши 2,61 фоизни кўрсатди [1]. Корея Республикасида экспортга товарлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фаолиятини жадаллаштириш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон учун экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини такомиллаштириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмининг барқарор ошиб боришини таъминлаш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришлар юз бериши учун жаҳон тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, мамлакатдаги таркибий муаммолар иқтисодий тартибга боғлиқдир. Иқтисодий тартиб иқтисодий жараёнларни амалга ошириб, таркибий муаммоларни тартибга боғлиқлайди.

Ризаева К., Тошкент давлат шарқшунослик институти, ўқитувчisi.

риш давомида юзага келади. Иқтисодий тартиб функционал жиҳатдан қўйидагича тавсифланади: қарор қабул қилиш, мотивацион мувофиқлаштириш ҳамда назорат тизимидан иборат [2]. Маълумки, Ҳар бир субтизим маълум иқтисодий таркиби ўзида акс эттиради. Кореяда саноат сиёсати орқали тақдим этилган рағбатлантириш таркиби мотивацион тизимнинг муҳим қисмини ташкил этади [3]. Хусусан, Кореядаги Инже университети профессори Ж.Баэнинг таъкидлашича, рағбатлантириш таркиби уч турдаги рағбатлантириш комбинациялардан ташкил топиб, рағбатлантириш таркиби умумий, функционал ва селектив рағбатлантиришлардан иборат [4].

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, рағбатлантириш таркибий тузилмаси мамлакат ривожланиш стратегиясининг саноат сиёсати асосида

**Корея Республикасида
саноат сиёсати орқали
тақдим этилган
рағбатлантириш
таркиби мотивацион
тизимнинг муҳим
қисмини ташкил
этади.**

шаклланади. Саноат сиёсатининг уч турдаги рағбатлантириш тизими – умумий функционал ва селектив рағбатлантиришдан иборатdir. Умумий рағбатлантириш саноат сиёсатининг муҳим аспекти бўлиб, фискал, молиявий ва савдо сиёсатлари асосида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашни назарда тулади. Шунингдек, у экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босиш ёки нейтрал саноат ривожланиш учун умумий муҳитни

шакллантиришга ҳам қаратилгандир. Функционал рағбатлантириш мамлакат иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган, аммо номукаммал ёки мавжуд бўлмаган маҳсус омиллар билан таъминлашга қаратилган рағбатлантириш чора-тадбирларини ўз ичига олади. Шу билан бирга, функционал рағбатлантириш илм-фан, технологиялар ва инсон капитали тараққиёти каби специфик омиллар билан таъминлаш, унда давлат аралашуви рақобатбардошликни ва ушбу омиллар таклифини оширишни кўзда тулади. Селектив рағбатлантириш маълум тармоқларни қўллаб-қувватлашга қаратилган рағбатлантириш бўлиб, унда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга субсидиялар бериш, технологик кўмак кўрсатиш ва химоялаш каби чора-тадбирларини амалга оширилиб давлат стратегик саноат тармоқларини қўллаб-қувватлайди [5].

Мақолада 1963–1997 йиллар мобайнида амалга оширилган рағбатлантириш таркиби 4 та босқичларга ажратилиб тахлил қилинди. Ж.Баэ ушбу йилларни ривожланиш босқичлари деб атади. 1962–1971 йилларни ўз ичига олган дастлабки босқичда ЯИМ ўсиш суръати энг юқори кўрсаткич – 11.4 фоиз, ўртacha ишсизлик даражаси эса жами босқичлар учун энг қўйи кўрсаткич – 6.1 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда юқори иқтисодий ўсиш суръати, асосан, меҳнат сифимли иш-

лаб чиқариш ҳисобига амалга ошғанлигига қарамай, ўз самарасизлигини кўрсатди ва натижада бу – ишсизлик кўрсаткичларининг ўсишига сабаб бўлди.

1-жадвал

1962–1997 йилларда Корея Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, %да

	Биринчи босқич (1962–1971)	Иккинчи босқич (1972–1980)	Учинчи босқич (1981–1987)	Тўртинчи босқич (1988–1997)
ЯИМ нинг ўсиш суръати	0.114	0.075	0.091	0.070
Истеъмол нархлар индексининг ўзгариши	0.124	0.167	0.059	0.062
Ўртacha ишсизлик даражаси	0.061	0.040	0.040	0.024
Савдо балансининг ЯИМ даги ўртacha улуши	-0.066	-0.054	0.007	-0.013

Манба: Корея Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Иккинчи босқич (1972–1980) ни юқори иқтисодий ўсиш суръатлари билан бир қаторда, юқори инфляция ва ишсизлик даражаси, ЯИМга нисбатан савдо балансининг дефицити билан тавсифлаш мумкин. Пак хукуматининг иқтисодий сиёсатидаги мақсадлари, асосан, иқтисодий ўсиш суръатларига эришишга қаратилди.

Учинчи (1981–1987) ва тўртинчи (1988–1997) босқичларда ўтган босқичларга нисбатан мамлакатда иқтисодий барқарорлик бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Иқтисодий ўсиш суръатлари 7 фоизни ташкил этиб, инфляция ва ишсизлик даражаси қуйи кўрсаткични кўрсатди, шу билан бирга, савдо баланси ижобий ўзгаришлар томон силжиди. Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, Корея ривожланиш босқичларида Филипс эгри чизигидан фарқли равишда нархлар ўсиш даражаси ва ишсизлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик тўғри мута-

Корея ривожланиш босқичларида Филипс эгри чизигидан фарқли равишда нархлар ўсиш даражаси ва ишсизлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик тўғри мутаносибликда жойлаши.

носиблиқда жойлашды. Буни мекнат ресурсларида ишсизлар улуши-нинг юқорилиги ва 1970 йиллардаги икки нефть инқирози туфайли ишлаб чиқариш харажатларининг тез ўсиши оқибатида содир бўлган-лиги билан изохлаш мумкин.

Шу билан бирга, жадвал маълумотларидан Кореяда иқтисодий ўсиш ва савдо баланси ўртасидаги тескари боғлиқлик мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида импорт товарлари нархининг кимматлилигини эътироф этишимиз жоиз. Корея хукумати хомашё материаллари импортини ўрнини босиш ва ярим тайёр маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқариш билан алмаштиришга ҳаракат қилди. Ушбу даврда Кореяда импорт рижови ЯИМ ўсиш суръатидан юқори бўлиб, мамлакат иқтисодий ўсишида импортнинг ўрни муҳим бўлганлигидан далолат беради. Учинчи босқичда савдо балансидаги ижобий ўзгаришлар, асосан, ссуда фоизининг пастлиги, нефть нархининг пасайиши ва Корея вонининг қадрсизланиши оқибатида содир бўлди.

Умумий рағбатлантириш. Корея кредит тақсимоти, алмашув курси, шунингдек, корпоратив солиқ тизими устидан кучли назорат олиб борилди. Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда Корея хукумати экспорт хажмини ошириш мақсадида ушбу инструментлар интеграциясидан кенг фойдаланди [6]. Экспортни қўллаб-кувватлашга қаратилган валюта курси сиёсати ва имтиёзли фоиз ставкалар сиёсатини умумий рағбатлантиришга киритиш мумкин бўлиб, ушбу рағбатлантириш омили деярли барча тармоқларда ўз таъсирини кўрсатганлигини таъкидлаб ўтишимиз даркор. Селектив рағбатлантириш чора-тадбирларига соликлардан озод этиш ва пасайтириш ишлари устидан назорат қилишни киритишмиз мумкин [7]. Тариф сиёсатини нафақат умумий рағбатлантириш, балки тармоқни рағбатлантириш чора-тадбирлари сирасига ҳам ҳам киритиш мумкин [8].

Кореяда 1988 йилга қадар хукумат фоиз ставкаларни мувофиқлаштириди. 1980 йиллар иккинчи ярмида савдо шарт-шароитининг яхшиланиши ва ташқи иқтисодий либерализация жараёнларининг таъсири натижасида 1988 йилнинг 5 декабрь ойида Корея хукумати деярли барча фоиз ставкаларни либераллаштириди. Маълумки, 1990–1997 йиллар давомида Кореяда фоиз ставкаларини либераллаштириш чоратадбирлари 4 маротаба амалга оширилди. 1995 йилнинг охирларига келиб фоиз ставкаларни либераллаштириш 95,3 фоизга етди [9].

Хукумат экспортга ўйналтирилган саноат тармоқлари ва истиқболли тармоқларга субсидияланган фоиз ставкаларида кредит олиш имкониятини тақдим этди. 1960 ва 1970 йиллар мобайнида реал фоиз ставкаси манфий бўлди¹. Экспортерларга берилган кредитлар бўйича

ўртача реал фоиз ставка иккинчи босқичда ўзининг энг күйи нуқтасига етиб -8.29 фоиз, биринчи босқичда -6.3 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда Кореяда кичик ва ўрта бизнес корхоналари экспорт фаолияти заёмлар сиёсати асосида қўллаб-қувватланмоқда [10].

Шуни айтиш жоизки, экспортни қўллаб-қувватлашда валюта сиёсати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Корея вони 1980 йиллар бошларига қадар АҚШ долларига кучли боғлиқ бўлиб, 1964 йилда 190 Корея вони/АҚШ доллари 255 Корея вони/АҚШ долларига, 1970 йилда 317 Корея вони/АҚШ долл.га, 1972 йилда 399 Корея вони/АҚШ долл.га девальвация қилинди. 1974 ва 1980 йиллар мобайнида валюта курси белгиланган 484 Корея вони/АҚШ долл. ни ташкил этди. Экспорт-импорт алоқа тизими асосида ҳукумат чет эл валютаси этишмовчилиги шароитида экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида экспортерларга импорт учун зарур хорижий валютадан фойдаланиш ҳуқукини берди [11]. Корея Республикасида валюта курси девальвацияси экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнади. Аммо 80-йилларнинг бошларига қадар Корея Республикасида савдо дефицитининг давом этиши валюта курси девальвацияси экспортни қўллаб-қувватлашда самарали восита бўлмаганлигини кўрсатди. 1980 йил февраль ойида валюта курси тизими белгилangan валюта курси тизимида алмаштирилди. Вақти-вақти билан валюта курсининг кескин ўзгариши шароитида давлат аралашуви амалга оширилди. 1990 йилда эркин сузуб юрувчи валюта курси кисман ўрнатилди. 1997 йилдан сўнг эркин сузуб юрувчи² валюта курсига тўла-тўқис ўтилди. 2009 йилдан бошлаб эса Кореяда сузуб юрувчи валюта курси ўрнатилди. Корея Республикасида хавфсизлик мақсадлари йўлида БМТ Хавфсизик Резолюцияси асосида валюта алмашинуви чекланган тарзда амалга оширилади [12].

Маълумки, миллий валюта курси пасайганда экспорт учун қулай, миллий валюта курси тушганда мамлакат учун импорт арzonлашади [13]. Кореяда миллий валюта курсининг ошиши ва тушишини мувофиқлаштириш ёки экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида валюта бо-

Экспорт-импорт алоқа тизими асосида ҳукумат чет эл валютаси этишмовчилиги шароитида экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида экспортерларга импорт учун зарур хорижий валютадан фойдаланиш ҳуқукини берди.

¹ Реал фоиз ставка номинал фоиз ставкасининг истеъмол нархлари индекси асосида хисобланган инфляция даражасидан айирмасига teng.

² Эски таснифланишга кўра эркин сузуб юрувчи ("free floating") валюта курси деб номланган. 2009 йилдан бошлаб Кореяда валюта курси тизими сузуб юрувчи ("floating") валюта курси деб таснифланди.

зорига давлат аралашувининг валюта паритети ва фактик валюта курсига таъсир этди [14]. Миллий валюта курсининг ўсиши ва пасайиши хомашё материаллари ва ярим тайёр маҳсулотлар импорт нархларига билвосита таъсир этди. Маҳаллий иш хақи даражаси ҳам, ўз навбатида, импорт нархлари даражасига таъсир этди. Корея давлат молия институтининг PEMNA маркази раҳбари Ким Джон¹ ва Сеул миллий университетининг фахрий профессори Хак Пъё² тадқиқотларига кўра, Кореяда экспорт товарлар нархи эластиклиги импорт товарлар эластиклигига нисбатан юқори бўлган ва бу, ўз навбатида, билвосита таъсири унчалик аҳамиятли бўлмаганлигидан далолат беради [15].

Биринчи босқич (1962–1971)да Кореяда миллий валюта курси ошиб, нисбий валюта харид қуввати паритетига нисбатан 16,9 вонни ташкил этди. Аммо, иккинчи босқич (1972–1980)да валюта қиймати ошиб 60,91 Корея вонига етди. Биринчи босқич билан таққослаганда 3,6 мартаға ошганлиги эътиборга жоиз. Кореяда миллий валюта қийматининг ошиши учинчи босқич (1981–1987) ва тўртинчи босқич (1988–1997)ларда ҳам давом этди. 1962–1971 йилларда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган кучли алмашув курси сиёсати амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Валюта курси девальвацияси 1961 ва 1964 йилларда амалга оширилганлиги ҳам бунга яққол мисолдир. Кореяда экспортнинг ўсиш суръати ва миллий валюта курсининг пасайиши³ кўрсаткичларининг корреляцияси 1961–1997 йиллар учун 0.17ни ташкил этди. Ж.Ю.

Баэ таҳлилига кўра, 1961–1999 йиллар давомида ушбу кўрсаткичлар корреляцияси тўғри пропорционал бўлди. Албатта, 1960 йилларнинг боши ҳамда 1980 йиллар оралиғидаги вақт бундан мустаснодир [16].

Кореяда савдо режими экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегияси бўлиб дастлабки босқичда импортни чеклаш усули қўлланилган. Корея Республикасида протекционизм сиёсати, асосан, миқдорий чекловларни қўллаш орқали олиб борилган ва давлат томонидан назорат қилинган. Нотариф протекционизм импорт ўрнини босувчи саноат тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпроқ селектив характерга эга бўлди.

1960 йилда Корея Республикасида тариф сиёсати тариф эскалацијаси тизими нафақат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувват-

¹ Ким Джон Мюн АҚШнинг Чикого университетида PhD унвонини олган. Хозирги кунда Корея давлат молия институтининг Давлат харажатлари бўйича тадқиқот таркибида PEMNA маркази директори лавозимида фаолият юритмоқда.

² Хак Пъё 1970 йилда Корея миллий университетинин бакалавр таълимим ўнвалишини тамомланган. 1977 йилда АҚШнинг Кларк университетида PhD ўнвалишини тамомлаган.

³ Валюта курсининг пасайиши (Degree of undervaluation) – фактик валюта курси ва нисбий валюта харид қуввати паритети айирмасининг нисбий валюта харид қуввати паритети нисбатига тенг.

лашга қаратилған әди, балки экспорт саноат тармоқларини қўллаб-куватлаш мақсадида ушбу тармоқларга тариф қайтиш тизимини ҳам қўллади. 1970 йилдаги тариф сиёсати 60-йиллар тариф сиёсатига мувофиқ давом эттирилиб, асосан, ОКС тармоқларини ривожлантириш ва пировард истеъмол маҳсулотларига бўлган тариф даражасини пасайтиришга катта аҳамият берилди. 1984 йилдаги Тариф Ислоҳоти Акт асосида тариф даражаси кескин пасайтирилиб, тариф эскалацияси бирхиллаштирилди. 1980 йилда ўртacha тариф даражаси 24.9 фоизни ташкил этган бўлса, 1986 йилда 19.9 фоиз, 1991 йилда 11.4 фоиз ва бу кўрсатгич 1994 йилга келиб, 7.9 фоизни ташкил этди [17]. 2014 йилда ўртacha тариф даражаси 13.3 фоизни ташкил этди [18].

Корея Ривожланиш институти профессорлари К.С.Ким ва С.Д.Хонг Корея Республикасида номинал ҳимоялаш даражаси¹ учинчи, иккинчи ва биринчи босқичларда юкори бўлганлигини ва лекин 1988 йилдан кейин пасайланлигини таъкидлаб ўтди [19]. 1980 йилларда импортни либераллаштириш нисбати бошқа импортни чекловчи чора-тадбирлар қатори бекор қилинди.

2-жадвал

1962–1997 йилларда амалга оширилган умумий рафбатлантириш таркиби

Имтиёзлар	Биринчи босқич (1962–1971)	Иккинчи босқич (1972–1980)	Учинчи босқич (1981–1987)	Тўртинчи босқич (1988–1997)
Номинал ҳимоялаш даражаси	0.0884	0.1227	0.3301	0.0253
Экспортни қўллаб-куватлаш учун кредит реал фоиз ставкаси ва облигация реал дисконт ставкаси ўртасидаги ўзаро фарқ ставкаси	0.129	0.0920	0.0165	0.0150
Фактик алмашув курси ва нисбий валюта харид қуввати паритети ўртасидаги фарқ	-16.925	-60.9114	-74.9196	-101.907

Умумий рафбатлантириш чора-тадбирлари мамлакат саноатлашувининг дастлабки босқичида корхоналар экспорт фаолиятини ошириш ва диверсификациялаш жараёнларини амалга оширишда мухим роль ўйнади. Шунингдек, Корея Республикасида валюта сиёсати ва

¹ Номинал ҳимоялаш даражаси – савдо тўсиклари натижасида ички нархларнинг ўсиши (фоизда).

**Умумий рағбатлантириш
чора-тадбирлари мамлакат
саноатлатлашувининг
дастлабки босқичида
корхоналар экспорт
фаолиятни ошириш
ва диверсификациялаш
жараёнларини амалга
оширишда муҳим роль
үйнади.**

дифференциал фоиз ставкалар сиёсати ушбу мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этди. Экспортга йўналтирилган саноат тармоқларига қаратилган имтиёзлар тизими Корея ривожланиш жараёнининг иккинчи босқичидан кейин қисқартирилди. Протекционизм сиёсати умумий рағбатлантириш имтиёзлари доирасида мамлакат ривожланишининг иккинчи босқичидан бошлаб қўлланилди. Учинчи босқичда протекционизм сиёсати кенг амалга оширилди.

Селектив рағбатлантириш. Корея Республикаси ҳукумати мамлакат ривожланиш босқичида ракобатбардош импорт ва экспорт саноат тармоқларига протекционизм сиёсатини қўллади. 1966–1985 йиллар давомида самарали ҳимоялаш даражаси юқори бўлди.

Тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган ҳимоялаш сиёсати 1985 йилнинг охирларига қадар ОКСни ривожлантириш саноат таркибини такомиллаштириш, экспортни диверсификациялашни кучайтириш мақсадида амалга оширилди. 1980 йилларнинг охирларига келиб, қайта ишлаш тармоғида ҳимоялаш даражаси пасайтирилди. Шу билан бирга, тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган ҳимоялаш имтиёзи умумий рағбатлантириш чора-тадбирлари доирасида давом эттирилди.

1970 йилларда давлат солиқ тизими, асосан, ОКС тармоғини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Солиқ тизимидағи ислоҳотлар, асосан, тўғри солиқларни пасайтириш ва нотўғри солиқларни оширишга қаратилди. ОКС тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида пўлат ва темир, нефть ва кимё, электроника, кемасозлик, машинасозлик маҳсулотларининг солиқларини пасайтириш ёки уларни солиқлардан бутунлай озод этиш учун солиқ тизимига ўзгартиришлар киритилди. 1975 йилда қабул қилинган янги «Солиқлардан озод этиш ва назорат қилиш тўғрисида»ги қонун асосий тармоқларга беш йиллик солиқ таътиллари, тезлашган амортизациялаш ва инвестиция бўйича солиқ кредитларини тақдим этди. Аммо бошқа тармоқларга юқори солиқ ставкалари ўрнатилиб, илгари барча экспортерларга тақдим этилган товарга солиқдан озод этиш имтиёзи бекор қилинди [20]. 1981 йилда солиқ бўйича имтиёзлар тизимига катта ўзгартиришлар киритилди. Ва натижада «Корпоратив солиқдан озод этиш ва уни пасайтириш тўғрисида»ги қонун ҳам бекор қилинди, инвестиция бўйича солиқ кредитлари пасайтирилди. Соган университети фахрий профес-

сори Т.Квакга¹ күра ОКС тармоғини ривожлантириш даврида корпоратив солиқ тизими тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган кучли рағбат вазифасини бажарди [21].

Функционал рағбатлантириш. 1985 йил декабрда Корея Миллий қонунчиллик органининг қуий палатаси «Саноатни ривожлантириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди [22]. Корея Республикасида 1980 йиллар охири, 1990 йиллар бошларида амалга оширилган саноат сиёсати умумий ва селектив эмас, балки функционал рағбатлантириш тизимидан иборат бўлди. Ушбу даврда саноат сиёсати асосан технологиялар, моддий инфратузилма, инсон капиталини ривожлантириш ва тадқиқотлар каби номукаммал ёки илгари мавжуд бўлмаган муҳим омиллар билан таъминлашга йўналтирилди. 1990 илдан кейин транспорт ва коммуникация соҳаларига давлат харажатлари тез суръатларда ошиди. Транспорт ва коммуникация соҳаларига йўналтирилган давлат харажатларининг жами 1990 йил 4.5 фоиздан 1997 йилда 13.6 фоизгacha ўсди. 1985 йилдан кейин фан ва технологияларга давлат харажатлари аста-секинлик билан ўсди, аммо оғир ва кимё саноати тармоқларига бўлган харажатлар кескин қисқарди².

1962–1997 йилларда Кореяда босқичма-босқич саноат бўйича рағбатлантириш тизимлари кенг кўлланилди. Дастлабки босқичда умумий рағбатлантириш тизими – валюта сиёсати, кредит-пул сиёсатига асосий эътибор қаратилди.

1970 йиллар ўрталарида экспортга йўналтирилган саноат сиёсати ўзининг энг юқори босқичига кўтарилди. Солиқ сиёсати ва кредитларни тақсимлаш давлат томонидан кучли назоратга олинди.

Учинчи босқичда селектив рағбатлар тизими кенг амалга оширилиб, протекционизм сиёсати бошқа босқичларга қараганда барқарор амалга оширилди. Импорт товарлари билан рақобатлашувчи саноат тармоқларига химоялаш сиёсати чора-тадбирлари кўлланилди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, учинчи босқич Корея учун саноат сиёсатининг селектив рағбатлар тизимидан функционал рағбатлантириш тизимиға ўтиш жараёнида кўприк вазифасини бажарди. Ушбу даврда тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган имтиёзлар ҳам муҳим аҳамият касб этди.

**Корея Республикаси
тахрибаси шуни
кўрсатадики,
ривожлананаётган
мамлакатлар учун саноат
маҳсулотлари ўсишга урғу
берган ҳолда экспортга
асосланган иқтисодий
ўсишга эришиш муҳим
аҳамиятга эга.**

¹ Таэвон Квак – 1983 йили Гарвард университетида PhD унвонига сазовор бўлган, Кореяниң Соган университети иқтисодиёт факультетининг фахрий профессори ҳисобланади.

² Ministry of Finance and Economy of the Republic of Korea, various issues, 1995.

Тўртинчи босқичда саноат сиёсатида ҳам умумий рағбатлар, ҳам селектив рағбатлантириш чора-тадбирлари ўрнига функционал рағбатлантириш қўлланилди. Бу даврда давлат ҳаражатларининг асосий қисми транспорт ва коммуникациялар моддий инфратузилмаси, фан ва технологиялар тармоқларини яхшилашга қаратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Корея Республикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон учун саноат маҳсулотлари экспорти асосида ўсишга ургу берган ҳолда, экспортга асосланган иқтисодий ўсишга эришиш мухим аҳамиятга моликдир. Шу билан бирга, келгусида Ўзбекистонда экспортни қўллаб-куватлаш бўйича рағбатларлантириш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистонда Корея тажрибаси асосида функционал рағбатлантириш тизими юзасидан дастур ишлаб чиқиш, уни мамлакатни миллий ривожлантириш дастурлари билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш жоиздир.

Адабиётлар

1. Trade Profiles 2016. World Trade Organization. - Geneva, 2016. P.192, available at: www.wto.org/statistics
2. Leipold H. Wirtschafts – und Gesellschaftssysteme im Vergleich, 4, Auflage, Gustav Fischer Verlag, 1985. – P. 34.
3. Neuberger E. and Duffy W.J. Comparative Economic Systems: A Decision-Making Approach, Allyn and Bacon, Inc., 1976. – P. 65.
4. Jin-Young Bae. Incentive Structure and its Changes in the Korean Industrial Policy Regimes from 1962-1997, The Journal of the Korean Economy, Vol. 2, No 2 (Fall 2001). – P. 299.
5. World Bank, Korea: Managing the Industrial Transition, vol. I and II, 1987. – P. 100–103.
6. World Bank, Korea: Managing the Industrial Transition, vol. I and II, 1987. – P. 32.
7. Bae. J.Y. Importsubstitution in weltmarktorientierten Entwicklungsland, Berlin: Duncker and Humblot, 1990. – P. 81.
8. Adams F.G. and L.R. Klein. Industrial Policies for Growth and Competitiveness, Lexington Books, 1983. – P. 3-86.
9. Youn W.B. «Financial Liberalization», Dictionary of Economics (in Korean), Pakyoungsa, 1998. – P. 507.
10. Ризаева К. Корея Республикасида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш турларини молиявий қўллаб-куватлаш тизими // «Жамият ва боқарув», 2016. №1. – Б. 115.
11. Jeong Kap-Young. «Effects of Korean Industrial Policy on Market Concentration». – P. 94 in Park, Tae-Kyu and Roy K. Wilkinson, eds., *Industrial Policy in Korea and the EU*, Yonsei University Press: Seoul, 1995.

12. Republic Of Korea. 2015 Article IV Consultation—Staff Report; Press Release; And Statement By The Executive Director For The Republic Of Korea. IMF Country Report No. 15/130, International Monetary Fund Washington, D.C., May 2015. – P. 7.
13. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2014. – Б. 372.
14. Jin-Young Bae. Incentive Structure and its Changes in the Korean Industrial Policy Regimes from 1962-1997, The Journal of the Korean Economy, Vol. 2, No 2 (Fall 2001). – P. 307.
15. Kim J.M. Management of Exchange Rate and Export Competition (in Korean), Korean Institute of Public Finance, 1994. – P. 40; Pyo H.K. Change of Exchange Rate, Openness and Industrial Structure, (in Korean), Korean Economic Research Center, 1989. – P. 17.
16. Jin-Young Bae. Incentive Structure and its Changes in the Korean Industrial Policy Regimes from 1962-1997, The Journal of the Korean Economy, Vol. 2, No 2 (Fall 2001). – P. 309.
17. Jin-Young Bae. Incentive Structure and its Changes in the Korean Industrial Policy Regimes from 1962-1997, The Journal of the Korean Economy, Vol. 2, No 2 (Fall 2001). – P. 311.
18. WTO and national statistics. www.wto.org
19. Kim K.S. and Hong S.D. The Long-Range Change of the Nominal and Effective Protection Rate Structure, (in Korean), Korean Development Institute, 1982. – P. 27; Hong S.D. Extended Estimates of nominal and Effective Protection Rate by Industry (1975–1995), (in Korean), Korean Development Institute, 1997. – P.12.
20. Lee J.S. Korean Tax Policy, (in Korean), 1990. – P. 89.
21. Kwak T.W. Depreciation System and Taxation on Capital Income, (in Korean), Korean Development Institute, 1985.
22. World Bank, Korea: Managing the Industrial Transition, vol. I and II, 1987. – P. 105.